



Оят таржимасининг маъноси

Шу нарса эътироф қилиниши лозимки, Қуръон ояти деб араб тилидаги матнгагина айтилади. Ушбу китоб ичида курсив қилиб ўзбек тилида келтирилган матн оятлар таржимасининг маъносидир.

ﷻ - соллоллоҳу алайҳи ва саллам

ﷻ - разияллоҳу анҳу /анҳо

ﷺ - алайҳис-салом

بسم الله الرحمن الرحيم

Ўтган икки аср давомида мусулмонларнинг ўз динларига эътибор беришлари сусайди. Бунинг оқибати ўлароқ узоқ вақтлардан бери дунёга фасод тарқатишни орзу қилиб юрган кофирлар 1924 йил 3 март куни Халифалик давлатини қулатди. Халифалик давлати яна ҳаётга қайтмаслиги учун улар жон-жаҳдлари билан ҳаракат қила бошлади. Улар биринчи навбатда мусулмонларнинг эътиқодларига, хусусан, бошқарув, раҳбарият ва сиёсатга оид фикрларига қаттиқ зарба берди. Ҳар хил адаштириш ва алдовлар орқали мусулмонларни мазкур нарсалар ҳақида салафи солиҳ мусулмонлардан ўзгача фикрлайдиган, дин душманлари бўлмиш кофирлар берган таълимотларни тўтилардек сайрайдиган қила олди. Мусулмонлар ўз тарихларини билмай, ўз раҳбарларини танимай қолдилар. Ўз тарихини ўрганмоқчи бўлган мусулмонлар Қуръонга, ҳадисларга ва ишончли мусулмон олимлари ёзган тарих китобларига мурожаат қилмай, дин душманлари ёзган тарихларга, шарқшуносларнинг сафсаталарига мурожаат қиладиган бўлиб қолишди. Мусулмонлар Ислом динининг ҳақиқатидан шу қадар узоқлашдиларки, ҳатто олимлар, муфассиру имомлар: «Дин давлатдан ажратилган», «Дин бошқа, сиёсат бошқа», «Қуръонда халифалик тўғрисида бирор нарса айтилмаган», «Халифалик фақат ўттиз йил бўлган, қайтиб бўлмайди» каби сафсаталарни вайсайдиган бўлиб қолдилар.

Қуйида халифалик ва халифалар тўғрисида қисқача баҳс юритмоқчимиз. Мақсад сафсатачиларга жавоб бериш эмас, балки исломий манбаларидан ҳамда ўз тарихидан маҳрум қилинган Умнатга унинг тарихини қисқача эслатишдир.

Қуръони Каримда зикр қилинган халифалар баёни

وَإِذْ قَالَ رَبُّكَ لِلْمَلَائِكَةِ إِنِّي جَاعِلٌ فِي الْأَرْضِ خَلِيفَةً

– „*(Эй Мухаммад алайҳис-салом) эсланг, Парвардигорингиз фаришталарга: «Мен ерда халифа қилмоқчиман», деди.* [2:30]

Имом Қуртубий, ибн Касир ва бошқа муфассирлар мазкур оятдаги *خليفة* (халифа) сўзига шундай тафсир берганлар:

«Мана бу оят буйруқларига қулоқ солиб, итоат қилинадиган халифа ва бошлиқни тиклаш тўғрисидаги масалаларнинг асл пойдеворидир. Халифани тиклаш вожибдир. Негаки мусулмонларнинг бирлик-иттифоқлари у билан бўлади ва халифалик ҳукмлари у билангина амалга ошади. Халифани тиклашнинг вожиблиги хусусида Умнат орасида ҳам, имомлар орасида ҳам ҳеч бир ихтилоф йўқ. Шариат илмларидан беҳабар бўлган Асом ва унга эргашганларгина халифани тиклашни вожиб эмас, балки жоиз деб айтган. Шунда ҳам улар: «Агар Умнат ҳаж ва жиҳодни адо этса, инсоф билан муомала юритса, барча ҳуқуқларни ўз ўрнига қўйса, ўлжаларни, садақотларни ўз эгаларига тўғри тақсим қилса, жиноятчиларга улар ҳақли бўлган жазоларни қўлласа, шу ишларни қиладиган халифани тиклаш унга вожиб бўлмайди», деб айтганлар». [Имом Қуртубий тафсири, 1-жуз 264-бет, Ибн Касир тафсири, 1-жуз 73-бет]

وَعَدَ اللَّهُ الَّذِينَ آمَنُوا مِنْكُمْ وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَيَسْتَخْلِفَنَّهُمْ فِي الْأَرْضِ كَمَا
اسْتَخْلَفَ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ وَلَيُمَكِّنَنَّ لَهُمْ دِينَهُمُ الَّذِي ارْتَضَى لَهُمْ وَلَيُبَدِّلَنَّهُمْ مِنْ
بَعْدِ خَوْفِهِمْ أَمْنًا يَعْبُدُونَنِي لَا يُشْرِكُونَ بِي شَيْئًا وَمَنْ كَفَرَ بَعْدَ ذَلِكَ فَأُولَئِكَ هُمُ
الْفَاسِقُونَ

– „Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларга худди илгари ўтган (иймон-эътиқодли) зотларни (ер юзига) халифа-ҳукмрон қилганидек, уларни ҳам ер юзида халифа қилишни ва улар учун Ўзи рози бўлган (Ислом) динини ғолиб-мустаҳкам қилишни ҳамда уларнинг

(аҳволини) хавфу хатарлардан сўнг тинчлик-хотиржамликка айлантириб қўйишни ваъда қилди. Улар Менга ибодат қилурлар ва Менга бирор нарсани шерик қилмаслар. Ким мана шу (ваъда)дан кейин куфрони (неъмат) қилса, бас, улар итоатсиз кимсалардир“. [24:55]

Бу оятдаги *لَيَسْتَخْلِفُهُمْ* (албатта уларни халифа қилади) сўзини муфассирлар қўйидагича тафсир қилганлар:

«Ўз мамлакатларида подшоҳлар иш юритганидек, ер юзида иш юритадиган халифалар қилади». [Байзовий тафсири 4-жуз 197-бет]

«Аллоҳ албатта улар учун араб ва араб бўлмаганларнинг ерларини мерос қилиб беради ва уларни раҳбар-подшоҳлар қилади». [Табарий тафсири, 18-жуз 158-160 бетлар]

«Уларни ўз мамлакатларида тасарруф қиладиган подшоҳлардек тасарруф қиладиган халифалар қилади. Аллоҳнинг бу ваъдаси бирор замонга ва бирор маконга хос бўлмай, балки кимки қайси ерда, қайси замонда бўлмасин Аллоҳга иймон келтириб, яхши амаллар қилса, Аллоҳ ерни уларга албатта мерос қилиб беради ва уларни албатта халифалар қилади». [Абус-Суъуд тафсири, 6-жуз 190-бет]

وَعَدَ اللَّهُ الَّذِينَ آمَنُوا مِنْكُمْ وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ

– „Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларга...“. [24:55]

«Бу Аллоҳ Таолонинг иймон келтириб, яхши амаллар қилган зотларни ер юзида халифалар қилиши тўғрисидаги ваъдасидир. Бу ваъда бутун Умматни ўз ичига олади. Бу ваъдани фақат саҳобаларга хос дейишга ҳеч бир йўл йўқ.

لَيَسْتَخْلِفَنَّهُمْ فِي الْأَرْضِ

– „... ер юзида халифа-ҳукмрон қилишни...“. [24:55]

Яъни, уларни ўз мамлакатларида тасарруф қиладиган подшоҳлардек тасарруф қиладиган халифалар қилади. Кимки бу оятдаги ваъда тўрт халифага хос деса, ёки муҳожирларга хос деса, ёки ердан мурод Макка деса, у ҳақиқатдан узоқдир. Чунки ҳукм олишда эътибор қаратиладиган нарса сабабнинг

хослиги эмас, балки лафзнинг умумийлигидир». [Шавконий тафсири, 4-жуз 47-бет]

Шу каби тафсирни Бағавий ўз «Тафсир»ида 3-жуз 353-бет, ибн Жавзий «Зодул-Масийр»да 6-жуз 57-бет, Улусий «Рухул-Маъоний»да 18-жуз 203-бетда баён қилганлар.

Дин моҳиятини тўғри англаган, охиратини тўрт кунлик дунё эвазига сотмайдиган, ҳақиқатгўй муфассирлар бу оятни «Аллоҳ албатта ерни мўмин бандаларига мерос қилиб беради ва уларни Аллоҳнинг буйруқларини, аҳкомларини ҳаётга татбиқ қиладиган халифалар қилади», - деб тафсир қилганлар.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا أَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ وَأُولِي الْأَمْرِ مِنْكُمْ

– „Эй мўминлар, Аллоҳга итоат қилингиз ва Пайғамбарга ҳамда ўзингиздан бўлган (мусулмон) иш эгаларига бўйсунингиз“. [4:59]

Байзовий, Қуртубий, ибн Касир, Табарий, Суютий, ибн Таймия, Санъоний, Нуххос, Саолибий, Саврий, Абус-Суъуд, Воҳидий, Бағавий, Шавконий, ибн Жавзий, Маҳаллий, Насафий, Улусий каби машҳур улуғ муфассирлар мазкур оятдаги «иш эгалари» сўзини Расулуллоҳ ﷺ замонларидаги ва ундан кейинги даврдаги барча амирлар ва халифалар, қозилар, шунингдек, қўшин қўмондонлари деб тафсир қилганлар. Мазкур муфассирларнинг баъзилари - шу маъноларга қўшимча - улар олимлар, фақиҳлар деб ҳам тафсир қилганлар.

Ҳадиси шарифда зикр қилинган халифалар баёни

3196 حَدَّثَنِي مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ جَعْفَرٍ حَدَّثَنَا شُعْبَةُ عَنْ فُرَاتِ الْقَزَّازِ قَالَ سَمِعْتُ أَبَا حَازِمٍ قَالَ قَاعَدْتُ أَبَا هُرَيْرَةَ حَمْسَ سِنِينَ فَسَمِعْتُهُ يُحَدِّثُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ كَانَتْ بَنُو إِسْرَائِيلَ تَسُوسُهُمُ الْأَنْبِيَاءُ كُلَّمَا هَلَكَ نَبِيٌّ خَلَفَهُ نَبِيٌّ وَإِنَّهُ لَا نَبِيَّ بَعْدِي وَسَيَكُونُ خُلَفَاءُ فَيَكْتُمُونَ قَالُوا فَمَا تَأْمُرُنَا قَالَ فُوا بَيِّعَةِ الْأَوَّلِ فَأَلَّوْا أَعْطَوْهُمُ حَقَّهُمْ فَإِنَّ اللَّهَ سَأَلَهُمْ عَمَّا اسْتَرْعَاهُمْ

صحيح البخاري

...Абу Ҳозим айтадилар: «Абу Ҳурайра رضي الله عنه билан беш йил ҳамсухбат бўлдим. Абу Ҳурайранинг Пайғамбар ﷺдан ушбу ҳадисни ривоят қилганини эшитдим. Пайғамбар ﷺ айтдилар: «**Бани Исроилни пайғамбарлар бошқарар эди. Қачон бир пайғамбар ўтса, унинг орқасидан иккинчи пайғамбар келар эди. Мендан кейин пайғамбар бўлмайди. Яқин кунларда халифалар бўлади ва улар кўп бўлади**». Саҳобалар сўрадилар: «Бизга нимани буюрасиз, ё Расулаллоҳ?» Расулаллоҳ ﷺ: «**Биринчисининг, биринчисининг байъатига вафо қилинглр. Уларга ўз ҳақларини беринглр. Албатта, Аллоҳ Таоло уларни одамларни қандай бошқарганликлари ҳақида сўроққа тутгувчидир**», деб жавоб бердилар». [Саҳиҳи Бухорий, 3196-ҳадис]

3441 عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُهُ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ مَنْ خَلَعَ يَدًا مِنْ طَاعَةِ لَقِيَ اللَّهَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ لَا حُجَّةَ لَهُ وَمَنْ مَاتَ وَلَيْسَ فِي عُنُقِهِ بَيْعَةٌ مَاتَ مِيتَةً جَاهِلِيَّةً

صحيح مسلم

Абдуллоҳ ибн Умар رضي الله عنهдан ривоят қилинади, у дейди: Мен Пайғамбар ﷺнинг шундай деб айтаётганларини эшитганман: «**Кимки амирга итоат қилишдан қўлини тортса, қиёмат кунида Аллоҳга ўз фойдасига бирор ҳужжати бўлмаган ҳолида йўлиқади. Кимки бўйнида халифа учун бериладиган байъати бўлмаган ҳолда ўлса, жоҳилият ўлимида ўлган бўлади**». [Саҳиҳи Муслим, 3441-ҳадис]

3393 عَنْ جَابِرِ بْنِ سَمُرَةَ قَالَ دَخَلْتُ مَعَ أَبِي عَلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَسَمِعْتُهُ يَقُولُ إِنَّ هَذَا الْأَمْرَ لَا يَنْقُضِي حَتَّى يَمُضِيَ فِيهِمْ أَتْنَا عَشَرَ خَلِيفَةً قَالَ ثُمَّ تَكَلَّمَ بِكَلَامٍ خَفِيَ عَلَيَّ قَالَ فَقُلْتُ لِأَبِي مَا قَالَ قَالَ كُلُّهُمْ مِنْ قُرَيْشٍ

صحيح مسلم

Жобир ибн Самура رضي الله عنهдан ривоят қилинади: Мен отам билан Пайғамбар ﷺнинг олдиларига кирдим ва Пайғамбар ﷺнинг шундай деб айтаётганларини эшитдим: **«Улар орасида ўн икки халифа ўтмагунча халифалик тугамайди»**. Жобир айтади: Кейин Пайғамбар ﷺ бир нарса дедилар, менга эшитилмай қолди. Отамдан: «Расулulloҳ ﷺ нима дедилар?» - деб сўрадим. **«Уларнинг барчалари Қурайшдан дедилар»**, деб жавоб берди отам». [Саҳиҳи Муслим, 3393-ҳадис]

5189 عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ ... قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَكُونُ فِي آخِرِ أُمَّتِي خَلِيفَةٌ يَحْتَنِي الْمَالَ حَتَّى لَا يَبْعُدَهُ عَدَدًا قَالَ قُلْتُ لِأَيِّ نَصْرَةٍ وَأَيِّ الْعَلَاءِ أَتَرَيَانِ أَنَّهُ عُمَرُ بْنُ عَبْدِ الْعَزِيزِ فَقَالَ لَا

صحيح مسلم

Жобир ибн Абдуллоҳ رضي الله عنهдан ривоят қилинади, у айтади: ... Расулulloҳ ﷺ дедилар: **«Умматимнинг охирида мол-дунёни ҳеч бир ҳисоб-китоб қилмай, мўл-қўлчилик билан одамларга тарқатадиган халифа бўлади»**. Ровий: Абу Назра ва Абул Алодан: «У халифа Умар ибн Абдул-Азизми?» - деб сўрадим. Улар: «Йўқ», - деб жавоб бердилар, деб айтади. [Саҳиҳи Муслим, 5189-ҳадис]

21353 عَنْ ثَوْبَانَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا رَأَيْتُمُ الرَّايَاتِ السُّودَ قَدْ جَاءَتْ مِنْ خُرَاسَانَ فَأْتُوها فَإِنَّ فِيهَا خَلِيفَةَ اللَّهِ الْمَهْدِيَّ

مسند أحمد

Савбон رضي الله عنهдан ривоят қилинади, у айтади: Пайғамбар ﷺ айтдилар: **«Агар Хуросон тарафидан келаётган қора байроқларни кўрсангизлар, унга келинлар. Чунки уларнинг орасида Аллоҳнинг тўғри йўлдаги халифаси бўлади»**. [Муснади Аҳмад, 21353-ҳадис]

16271 عَنْ مُعَاوِيَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَنْ مَاتَ بِغَيْرِ إِمَامٍ مَاتَ مِيتَةً جَاهِلِيَّةً

مسند أحمد

Муовия رضي الله عنهдан ривоят қилинади, у қуйидаги ҳадисни айтди: Расулulloҳ ﷺ айтдилар: **«Кимки имом-халифасиз ўлса, жоҳилият ўлимида ўлибди»**. [Муснади Аҳмад, 16271-ҳадис]

17680 عَنْ الثَّعْبَانِ بْنِ بَشِيرٍ قَالَ كُنَّا فُجُودًا فِي مَسْجِدِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَكَانَ يَبْشِرُ رَجُلًا يَكْفُ حَدِيثَهُ فَجَاءَ أَبُو نَعْلَبَةَ الْخُسْنِيُّ فَقَالَ يَا بَشِيرُ بْنُ سَعْدٍ أَتَحْفَظُ حَدِيثَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي الْأُمَرَاءِ فَقَالَ حَدِيثُهُ أَنَا أَحْفَظُ خُطْبَتَهُ فَجَلَسَ أَبُو نَعْلَبَةَ فَقَالَ حَدِيثُهُ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تَكُونُ النُّبُوَّةُ فِيكُمْ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ تَكُونَ ثُمَّ يَرْفَعُهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعَهَا ثُمَّ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَى مِنْهَاجِ النُّبُوَّةِ فَتَكُونُ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ تَكُونَ ثُمَّ يَرْفَعُهَا إِذَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ يَرْفَعَهَا ثُمَّ تَكُونُ مُلْكًا عَاصًا فَيَكُونُ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ يَكُونَ ثُمَّ

يَرْفَعُهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعَهَا ثُمَّ تَكُونُ مُلْكًا جَبْرِيَّةً فَتَكُونُ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ تَكُونَ ثُمَّ يَرْفَعُهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعَهَا ثُمَّ
تَكُونُ خِلَافَةً عَلَىٰ مِنْهَا جِ النَّبُوَّةُ ثُمَّ سَكَتَ

مسند أحمد

Нўъмон ибн Башир رحمتهдан ривоят қилинади, у шундай деди: Биз Расулуллоҳ ﷺнинг масжидларида ўтирган эдик. Башир رحمته камгап одам эди. Абу Саълаба ал-Хушаний رحمته келиб: «Эй Башир ибн Саъд, Пайғамбар ﷺнинг амирлар ҳақида айтган ҳадислари ёдингдами?» - деб сўради. Ҳузайфа رحمته: «Расулуллоҳ ﷺнинг хутбаларини мен ёд биламан», деди. Абу Саълаба ўтирди. Ҳузайфа: «Расулуллоҳ ﷺ айтганлар: **«Сизларнинг орангизда пайғамбарлик Аллоҳ хоҳлаганича бўлади, кейин Аллоҳ хоҳлаганда уни кўтаради. Кейин пайғамбарлик минҳож асосидаги халифалик бўлади ва у Аллоҳ хоҳлаганича бўлади. Сўнгра Аллоҳ уни кўтаришни хоҳлаганда кўтаради. Сўнгра зўравон подшоҳлик бўлади ва у Аллоҳ хоҳлаганича бўлади. Кейин Аллоҳ уни кўтаришни хоҳлаганда кўтаради. Кейин золим подшоҳлик бўлади ва у Аллоҳ хоҳлаганича бўлади. Сўнгра Аллоҳ уни кўтаришни хоҳлаганда кўтаради. Сўнгра пайғамбарлик минҳож асосидаги халифалик бўлади»,** - деди». Сўнгра Ҳузайфа сукут қилди. [Муснади Аҳмад, 17680-ҳадис]

«Сиҳоҳи ситта», яъни олти саҳиҳ тўплам: «Саҳиҳи Бухорий», «Саҳиҳи Муслим», «Сунани Абу Довуд», «Сунани Термизий», «Сунани Насойй», «Сунани Ибн Можжа» ҳамда «Сунани Доримий», «Муснади Аҳмад» ва «Муваддо Молик»лар ўз ичига олган ҳадисларда исломий давлатнинг раҳбари маъносидаги **خليفة** (халифа) сўзи 75та ҳадисда, **خلفاء** (халифалар) сўзи 24та ҳадисда, **خلافة** (халифалик) сўзи 62та ҳадисда, **أمرء** (амирлар) сўзи 61та ҳадисда, **إمام** (имом) сўзи 102та ҳадисда келган.

Ижмода зикр қилинган халифалар таърифи

لما توفي رسول الله قام أبو بكر رضي الله عنه خطيبا كما سيأتي فقال أيها الناس من كان يعبد محمدا فإن محمدا قد مات ومن كان يعبد الله فإن الله حي لا يموت ولا بد لهذا الأمر ممن يقوم به فانظروا وهاتوا آراءكم فقالوا صدقت ننظر فيه

ثم ذلك الوجوب عندنا معشر أهل السنة والجماعة وعند أكثر المعتزلة بالسمع أي من جهة التواتر والإجماع المذكور وقال كثير بالعقل ووجه ذلك الوجوب أنه أمر بإقامة الحدود وسد الثغور وتجهيز الجيوش للجهاد وحفظ بيضة الإسلام وما لا يتم الواجب المطلق إلا به وإن كان مقدورا فهو واجب الصواعق المحرقة لابن حجر الهيتمي المتوفي 973 هـ ج: 1 ص: 25

«Пайғамбар ﷺ вафот қилган вақтда Абу Бакр ﷺ одамлар орасида туриб, қуйидаги хутбани ўқиди: «Эй одамлар, кимки Муҳаммад ﷺ га бандалик қиладиган бўлса, Муҳаммад ﷺ ўлди. Кимки Аллоҳга бандалик қиладиган бўлса, Аллоҳ ҳамиша тирикдир, У ўлмайди. Аллоҳнинг юборган буйруқ ва қонунларини татбиқ қиладиган киши албатта бўлиши зарур. У ҳақда ўйлаб кўринглар ва ўз фикрларингизни келтиринглар». Саҳобалар: «Тўғри айтдингиз, у киши ҳақида ўйлаб кўрамиз», дедилар.

Биз Аҳли сунна вал-жамоа жамоасининг ва аксарият мўътазилаларнинг фикрича, халифаликни тиклаш вожиблигининг далили - мазкур ижмо ва мутавотир хабардир. Кўпчилик унинг вожиблигининг далили ақлийдир, деб айтадилар. Зеро, унинг вожиблиги шунинг учунки, у жазо чораларини қўллашга, давлат чегараларини ҳимоя қилишга, аскарларни жиҳодга тайёрлашга ва Исломи ҳимоя қилишга тааллуқли буйруқдир. Мутлақ вожиб нима билан амалга ошса - агарчи у тақдир қилинган нарса бўлса ҳам - вожибдир». [«Ас-Савоикул муҳриқа», 1-жуз, 25-бет. Муаллиф Ибн Ҳажар Ҳайтабий 973 ҳижрий йил]

قال عمر وإن قوما يأمروني أن أستخلف وأن الله عز وجل لم يكن ليضيع دينه ولا خلافته والذي بعث به نبيه صلى الله عليه وسلم

مسند أبي عوانة 1 ج: 1 ص: 340

«Умар ибн Хаттоб ﷺ вафотидан илгари саҳобаларга хутба ўқиб туриб айтди: «Одамлар менга ўзимдан кейин бир халифа тайин этишимни буюрмоқдалар. Аллоҳ Азза ва Жалла Ўз динини, халифаликни ва Пайғамбари ﷺ билан юборган рисолатини ҳаргиз йўқ қилмайди». [«Муснади Абу Авона», 1-жуз, 340-бет.]

Ақида масалаларини ёритган уламоларнинг халифа ва халифалик тўғрисида айтганлари

وجوب نصب الإمام ولا بد من تعريفها أولاً قال قوم الإمامة رئاسة عامة في أمور الدين والدنيا ونقض بالنبوة والأولى أن يقال هي خلافة الرسول في إقامة الدين بحيث يجب اتباعه على كافة الأمة وبهذا القيد يخرج من ينصبه الإمام في ناحية والمجتهد والأمر بالمعروف وإذا عرفت هذا فنقول نصب الإمام عندنا واجب علينا سمعا وقالت المعتزلة والزيديّة بل عقلاً وقال الجاحظ بل عقلاً وسمعا وقالت الإمامية والإسماعيلية بل على الله إلا أن الإمامية أوجبوه لحفظ قوانين الشرع والإسماعيلية ليكون معرفاً لله

وأما وجوبه علينا سمعاً فلوجهين الأول إنه تواتر إجماع المسلمين في الصدر الأول بعد وفاة النبي امتناع خلو الوقت عن إمام حتى قال أبو بكر رضي الله عنه في خطبته ألا إن محمداً قد مات ولا بد لهذا الدين ممن يقوم به فبادر الكل إلى قبوله وتركوا له أهم الأشياء وهو دفن رسول الله يزل الناس على ذلك في كل عصر إلى زماننا هذا من نصب إمام متبع في كل عصر

كتاب المواقف لعبد الرحمن بن أحمد الإيجي المتوفي 756 هـ ج: 3 ص: 574

Имом (халифа)ни тиклашнинг вожиблиги тўғрисида

«Аввало халифаликка таъриф бериш зарур. Бир жамоа одамлар унга шундай таъриф берадилар: У - дин ва дунё ишларида пайғамбарликдан ўзгача бўлган умумий раҳбариятдир. Қуйидагича таъриф берилса тўғрироқ бўлади: Халифа - динни барпо қилишда бутун Уммат эргашиши зарур бўлган Пайғамбарнинг ўринбосаридир. Бу таърифга кўра яхшиликка буюрувчи киши, мужтаҳид ёки имом тарафидан бир вилоятга раҳбар қилиб тайинланган одам имом деб аталмайди. Бу таъриф пишиқ англандан сўнг биз шундай деб айтамиз: Бизнингча, халифани тиклаш вожиблиги нақлий (далили Қуръон, ҳадис, ижмо)дир. Мўътазилалар ва Зайдийлар халифани тиклаш вожиблигининг далили ақлийдир, дейдилар. Жоҳиз унинг вожиблиги ҳам нақлий, ҳам ақлий дейди. Шиаларнинг Имомия ва Исмоилия мазҳаблари халифани тиклаш Аллоҳга вожиб, дейдилар. Имомиялар уни шариат қонунларини муҳофаза қилиш учун вожиб десалар, Исмоилиялар у Аллоҳни танитувчи бўлганлиги учун вожиб, дейдилар.

Унинг бизга нақлан вожиблиги икки жиҳатга эга. Биринчиси: Пайғамбар ﷺнинг вафотларидан кейин биринчи асрдаги мусулмонларнинг имомсиз бирор вақтнинг бўлиши

мумкин эмаслигига ижмо қилганлари мутавотир бўлган. Ҳатто Абу Бакр  ўзининг хутбасида шундай деган: «Огоҳ бўлинглар, Муҳаммад  вафот этди. Бу динни барпо қиладиган киши бўлиши зарур». Барча саҳобалар бу гапни қабул қилишга шошилдилар ва шу иш юзасидан энг муҳим ишни - Расулуллоҳ  ни дафн қилишни кейинга қолдирдилар. Бизнинг замонимизга қадар ўтган вақт мобайнида одамлар ҳар бир даврда эргашиладиган имом-халифани тиклаш вожиб деган гапга ижмо қилиб келмоқдалар...». [«Китобул Мавоқиф», 3-жуз, 574-575 бетлар. Муаллиф Абдурраҳмон ибн Аҳмад ал-Ийжий, 756 ҳижрий йил]

Саҳобалар хулафои рошидинларнинг ҳақ йўлдаги халифа эканликларини ва улардан кейин халифалар бўлиши зарурлигини тасдиқ этиб, ижмо қилганликлари ҳисобидан ташқари, бу масала кўп зикр қилинган.

Ўрта Осиёдаги мусулмонлар ўзларини аҳли сунна вал-жамоадан ҳисоблаганлар. Улар эътиқод масалаларида 537 ҳижрий йилда вафот қилган Абу Ҳафс Умар ан-Насафийнинг «Ақоиди Насафия» номли китобидан кенг фойдаланганлар. Мазкур китобга 722-792 ҳижрий йилларда яшаб ўтган аллома Саъдиддин ат-Тафтазоний шарҳ ёзган. Мазкур китобнинг 109-114 бетларида халифа ва халифани тиклаш тўғрисида қуйидагилар ёзилган. Насафий матнда шундай дейди:

«Халифалик ўттиз йил бўлади, сўнгра подшоҳлик ва амирликлар бўлади. Зеро, Пайғамбар : **«Мендан кейин халифалик ўттиз йил бўлади, кейин зўравон подшоҳлик бўлади»**, - деганлар Алий  Пайғамбар  нинг вафотларидан кейинги ўттизинчи йилда шаҳид қилинганлар. Муовия ва ундан кейинги раҳбарлар халифалар эмас, балки подшоҳ ва амирлардир».

Бу гапларни Тафтазоний шундай шарҳ қилади:

«Насафийнинг ушбу сўзлари муаммо пайдо қилади. Чунки Уммат ичидаги аҳлул-ҳал вал-ақдлар, яъни мужтаҳидлар Аббосий халифаларнинг халифа эканликларига, Марвонийлардан Умар ибн Абдул-Азиз кабиларнинг халифа эканликларига иттифоқ қилганлар. Халифалик ўттиз йил бўлади деб айтилган гапдан мақсад ихтилофдан, итоатсизликдан бирор нарса аралашмаган комил халифалик ўттиз йил бўлади; ундан кейин бундай ҳолат эҳтимол бўлади,

эхтимол бўлмайди, деган тушунчани ифодалаш бўлган. Бунинг маъноси хулафои рошидинлардан бошқа халифалар бўлмайди, дегани эмас. Негаки, Пайғамбар ﷺ: **«Умматим ичида ўн икки халифа бўлади»**, деб айтганлар. **«Халифалик ўттиз йил бўлади»**, деб айтилган ҳадисдан мақсад хулафои рошидинларнинг олиб борган ишларини улкан қилиб кўрсатиш ва улар бошқа халифалардан ахлоқда, бошқарув ишларида алоҳида фарқланиб турганликларини баён қилишдир. Шунингдек, тўғри йўлдаги халифалар пайдар-пай ўттиз йил ҳукм суришлиги, кейин бундай ҳолат эҳтимол қайтиб такрорланмаслигининг баёнидир».

Халифани тиклаш вожиблигига ҳамма мазҳаблар (Аҳли сунна вал-жамоа, Мўътазила, Имомия, Зайдия) ижмо-иттифоқ қилган. Улар орасидаги ихтилоф халифани тиклаш Аллоҳга вожибми, бандаларга вожибми, унинг далили нақлийми ёки ақлийми? - шунинг устида борган. Аҳли сунна вал-жамоа жамоаси шундай эътиқод қилади: Халифани тиклаш Аллоҳга эмас, бандаларга вожиб, унинг далили нақлийдир деб, Пайғамбар ﷺнинг ушбу ҳадисларини келтирадилар:

مَنْ مَاتَ وَلَمْ يَعْرِفْ إِمَامَ زَمَانِهِ فَقَدْ مَاتَ مَيِّتَةً جَاهِلِيَّةً

«Кимки ўз замонининг имом-халифасини билмай ўлса, у жоҳилият ўлимида ўлган бўлади».

Улар яна ўз фикрларига ушбу ижмони далил қилиб келтирадилар: Уммат Пайғамбар ﷺ вафотларидан кейин халифани тиклашни энг муҳим вазифа деб билган. Ҳатто бу вазифани Пайғамбар ﷺни дафн қилишдан олдинги ўринга қўйган. Ҳар бир халифа ўтгандан кейин ҳам худди шундай қилинган.

Улар қуйидаги гапни ҳам ўз фикрларига далил қилиб келтирганлар: Шаръий вожиботларнинг жуда катта қисми имом-халифага боғлиқдир. Насафий бу ҳақда шундай дейди: «Мусулмонларга шаръий ҳукмларни ижро қиладиган, ҳад (жазо чоралари)ни барпо қиладиган, мамлакат чегараларини ҳимоя қиладиган, мусулмонлар қўшинини тайёрлайдиган, уларнинг садақотларини йиғадиган, зўравонларни, ўғриларни, қароқчиларни тийиб қўядиган, жума ва ҳайитларни барпо қиладиган, фуқаролар орасида содир бўладиган келишмовчиликларни бартараф қиладиган, ҳуқуқлар устидаги

гувоҳликларни қабул қиладиган, валийси бўлмаган етим-сағирларни уйлаб-жойлайдиган, ўлжаларни мусулмонлар орасида тақсим қиладиган, қисқаси, якка шахслар бажара олмайдиган ишларни адо этадиган имом-халифанинг бўлиши зарурдир. Ҳақиқий имомда қуйидаги сифатлар топилиши шартдир: мусулмон, ҳур, оқил, болиғ, одил, мусулмонларнинг бир жамоасининг унга розилик билан берган байъати орқали имом бўлган бўлиши; у Ислом калимасини олий қилишни, мусулмонларга ёрдам беришни, у туфайли мусулмонларнинг моллари, жонлари, обрўлари омонликда бўлиши, ушр ва хирожни шаръий йўллар билан жамлаб, уламоларга, хатибларга, қозиларга, муфтийларга, мударрисларга, толиби илмларга ва бошқа харажатларга байтул молдан олиб тақсимлайдиган бўлиши, мусулмонларга меҳрибон, раҳмдил, адолатли бўлиши лозимдир. Қайсики имом-раҳбар шундай сифатларга эга бўлмаса, у ҳақиқий имом-раҳбар эмас. Унга ёрдам бериш вожиб бўлмайди, балки унга қарши чиқиш, унга қарши кураш олиб бориш вожиб бўлади. Шунингдек, имом одамлар бемалол мурожаат қилишлари учун душмандан, золимлардан, мустамлакадан қўрқиб яшириниб олган бўлмай, очиқ бўлиши лозим. Токи раҳбарни тиклашдан кўзланган мақсад ҳосил бўлсин. Ва яна золимларнинг тузуми емирилгандан кейин, фасодлар тугаганидан кейин, замон ўнглангандан кейин чиқиши кутилаётган бўлмаслиги лозим. У сиёсий одам бўлиши, яъни мусулмонларнинг ишларини ўз фикри, илми ҳамда шавкат-қудрати билан тасарруф эта оладиган бўлиши, илми, адолати, истеъдоди ва шижоати билан аҳкомларни татбиқ қилишга, Ислом диёрининг чегараларини муҳофаза қилишга, мазлумларнинг ҳаққини золимлардан ундириб беришга қодир бўлиши лозим».

Хулафои рошидин (тўғри йўлдаги халифа)лар

1. **Абу Бакр ас-Сиддиқ** (Аллоҳ у кишидан рози бўлсин)
11-13 ҳижрий, 632-634 милодий йиллари халифалик қилган.
Абу Бакрнинг даврида 11 ҳижрий, 632 милодий йилда муртадларга қарши жанглар олиб борилган.
13 ҳижрий, 634 милодий йилда византияликлар устидан ғалаба қозонилган.
2. **Умар ибн Хаттоб** (Аллоҳ у кишидан рози бўлсин)
13-23 ҳижрий, 634-644 милодий йиллар халифалик қилган.
Умарнинг халифалиги давридаги муҳим воқеалар:
14 ҳижрий, 635 милодий йил Халид ибн Валид қўмондонлигида Дамашқ фатҳ қилинган.
14 ҳижрий, 635 милодий йилда Қодисияда форсларга қарши жанг олиб борилган ва уларнинг устидан ғалабага эришилган.
15 ҳижрий, 636 милодий йилда Ярмукда византияликларга қарши жанг олиб борилиб, улар устидан ғалабага эришилган.
17 ҳижрий, 638 милодий йилда халифа Умар Қуддусга борган.
18 ҳижрий, 639 милодий йилда Амр ибн Ос қўмондонлиги остида Миср фатҳ қилинган.
19 ҳижрий, 640 милодий йилда Эрон фатҳ қилинган.
21 ҳижрий, 642 милодий йилда Наҳованд жанги бўлиб ўтган.
Рай фатҳ қилинган.
23 ҳижрий, 644 милодий йилда халифа Умар шаҳид қилинган.
3. **Усмон ибн Аффон** (Аллоҳ у кишидан рози бўлсин)
23-35 ҳижрий, 644-656 милодий йиллар халифалик қилган.
Халифа Усмон давридаги муҳим воқеалар:
26 ҳижрий, 647 милодий йилда Африка фатҳ қилина бошлаган.
30 ҳижрий, 651 милодий йилда Яздажирд ўлдирилган, сосонийлар сулоласи инқирозга юз тутган.
32 ҳижрий, 653 милодий йилда Қуръон жамланган.
4. **Алий ибн Абу Толиб** (Аллоҳ у кишидан рози бўлсин)
35-40 ҳижрий, 656-661 милодий йиллар халифалик қилган.
Халифа Алий ибн Абу Толибнинг давридаги муҳим ишлар:
36 ҳижрий, 656 милодий йилда Жамал воқеаси содир бўлган.
37 ҳижрий, 657 милодий йилда Сиффийн воқеаси содир бўлган.
37 ҳижрий, 658 милодий йилда Хаворижлар пайдо бўлган.
40 ҳижрий, 661 милодий йилда Алий шаҳид қилинган.

Шомдаги Умавий халифалар

Шомдаги Умавийлар халифалиги 41-132 ҳижрий, 661-750 милодий йиллар орасида бўлган.

1. **Муовия ибн Абу Суфён**

41-60 ҳижрий, 661-680 милодий йилларда халифалик қилган. Унинг давридаги муҳим ҳодисалар:

50 ҳижрий, 670 милодий йилда Уқба ибн Нофеъ қўмондонлиги остида Африка фатҳ қилинган. Қайравонга асос солинган.

54-59 ҳижрий, 674-679 милодий йиллар орасида Византия устига бир қанча юришлар қилинган.

2. **Язид ибн Муовия**

60-64 ҳижрий, 680-683 милодий йиллар оралиғида халифалик қилган. Унинг давридаги муҳим ҳодисалар:

61 ҳижрий, 680 милодий йилда Ҳусайн ибн Алий Карбалода шаҳид қилинган.

63 ҳижрий, 683 милодий йилда Абдуллоҳ ибн Зубайр Маккада қўзғолон кўтарган.

3. **Муовия II ибн Язид**

64 ҳижрий, 683 милодий йилда халифалик қилган.

4. **Марвон I ибн Ҳакам**

64 ҳижрий, 683 милодий йилда халифалик қилган.

5. **Абдулмалик ибн Марвон**

65-86 ҳижрий, 685-705 милодий йиллар халифалик қилган. Унинг даврида Қуддусда Қуббатус-сахро масжиди қурилган.

Почта алоқасини барпо қилган. Олтин тангаларни зарб қилган.

6. **Валид ибн Абдулмалик**

86-96 ҳижрий, 705-715 милодий йилларда халифалик қилган. Унинг даврида воқе бўлган муҳим ишлар:

У кишининг даврида давлат энг юқори қудрат чўққисига чиққан.

Қутайба ибн Муслим қўмондонлигида Бухоро, Самарқанд, Хоразм ва Фарғоналар фатҳ қилинган.

Мусо ибн Нусайр қўмондонлигида Тонжа фатҳ қилинган.

Қуддусда Масжидул-Ақсо қурилган.

Дамашқда Умавийлар жомеъси қурилган.

Ислондаги биринчи шифохона унинг даврида қурилган.

92 ҳижрий, 711 милодий йилда Муҳаммад ибн Қосим қўмондонлигида Ҳиндистон фатҳ қилинган.

92 ҳижрий, 711 милодий йилда Ториқ ибн Зиёд қўмондонлиги остида Андалус (Испания) фатҳ қилинган.

7. **Сулаймон ибн Абдулмалик**
96-99 ҳижрий, 715-717 милодий йилларда халифалик қилган.
Фаластинда Рамла шаҳрига асос солган. Қўстантинияни қамал қилган, аммо уни фатҳ қила олмаган.
8. **Умар ибн Абдул-Азиз**
99-101 ҳижрий, 717-720 милодий йилларда халифалик қилган.
100 ҳижрий, 717 милодий йилда Қўстантиния қамал қилинган.
Молиявий ишларни, бошқарув ишларини ислоҳ қилишга қаттиқ аҳамият берган. Хулафои рошидинларнинг бешинчиси, деб эътибор қилинган.
9. **Язид ибн Абдулмалик**
101-105 ҳижрий, 720-724 милодий йилларда халифалик қилган.
10. **Ҳишом ибн Абдулмалик**
105-125 ҳижрий, 724-743 милодий йилларда халифалик қилган.
Унинг замонида исломий давлат жуда кенгайган.
Византияликларга қарши жанг олиб борган. Унинг аскарлари Франциянинг Норбон шаҳрини эгаллаган ва Пуатье ҳамда Фин қалъаларигача етиб борган.
107 ҳижрий, 725 милодий йилда мўътазилалар пайдо бўлган.
11. **Валид II ибн Язид**
125-126 ҳижрий, 743-744 милодий йилларда халифалик қилган.
Ўз қасрида шеърят, ичкилик, мусиқа, ўйин-кулги ва маишатга қаттиқ берилган. Халифаликдан бўшатиш ва ўлдирилган.
12. **Язид III ибн Валид**
126 ҳижрий, 744 милодий йилда халифалик қилган.
13. **Иброҳим ибн Валид**
126-127 ҳижрий, 744 милодий йилда халифалик қилган.
14. **Марвон II**
127-132 ҳижрий, 744-750 милодий йилларда халифалик қилган.
У Дамашқдаги охириги Умавийлар халифаси эди.
Хаворижларга қарши қаттиқ жанг олиб бориб, уларнинг халифаси Заҳҳокни ўлдирган.
Зоб жангида Аббосийлар уни мағлубиятга учратган ва Мисрда қатл қилишган.

Андалус (Испания)даги Умавий халифалар

(Изоҳ: Шу нарса эътиборга олинishi зарурки, қуйида исмлари зикр қилинган шахслар аслида Андалус вилоятининг волийлари бўлган ва бу лавозимга халифа тарафидан тайинланган. Аммо муайян тарих китобларида улар халифа деб номлангани туфайли биз уларнинг ҳам исмларини келтиришни лозим топдик. - Муҳаррир)

Андалусдаги Умавийлар халифалиги 138-422 ҳижрий, 756-1031 милодий йилларда бўлиб ўтган.

1. **Абдурраҳмон I ибн Муовия ибн Ҳишом**

138-172 ҳижрий, 756-788 милодий йилларда волийлик қилган. Андалусдаги Умавийлар давлатининг асосчиси.

139 ҳижрий, 756 милодий йилда қўзғолонларга барҳам берган. Шарль Маннга қарши жанг олиб борган. Ўғли Ҳишомга қудратли давлат қолдирган.

Қуртуба университетини қурдирган. «Қурайш лочини» деб лақабланган.

2. **Ҳишом I ибн Абдурраҳмон**

172-180 ҳижрий, 788-796 милодий йилларда волийлик қилган.

3. **Ҳакам I ибн Ҳишом**

180-207 ҳижрий, 796-822 милодий йилларда волийлик қилган.

Қуртубадаги Умавийлар амирининг учинчиси.

4. **Абдурраҳмон II ибн Ҳакам**

207-238 ҳижрий, 822-852 милодий йилларда волийлик қилган.

Қўзғолонларни бостириб, ободончиликка қаттиқ эътибор берган.

Қасрлар, масжидлар қурдирган.

Унинг замони Испания маданияти тарихида муҳим давр деб эътибор қилинади.

5. **Муҳаммад I ибн Абдурраҳмон**

238-273 ҳижрий, 852-886 милодий йилларда волийлик қилган.

6. **Ал-Мунзир ибн Муҳаммад**

273-275 ҳижрий, 886-888 милодий йилларда волийлик қилган.

7. **Абдуллоҳ ибн Муҳаммад**

275-299 ҳижрий, 888-912 милодий йилларда волийлик қилган.

Қуртуба амири. Акаси Мунзирдан кейин тахтга ўтирган. Муваллидинлар фитнасига барҳам берган.

Ишбилия (Севилья) ва ал-Бийрани араблаштирган.

8. **Абдурраҳмон III (ан-Носир ли дийниллаҳ)**

299-350 ҳижрий, 912-961 милодий йилларда халифалик қилган.

Қуртубадаги Умавийларнинг энг машҳури. Испаниядаги биринчи халифа.

316 ҳижрий, 929 милодий йилда халифа деб байъат берилган. Амирул мўминин деб лақабланган.

Ибн Ҳафсун фитнасига барҳам берган. Масиҳийлар ва Фотимийларга қарши кураш олиб борган.

Испания унинг даврида гуллаб-яшнаган. Қуртуба Ислом пойтахтларидан бирига, аниқроғи оламдаги энг гуллаб-яшнаган пойтахтларидан бирига айланган. Аз-Заҳро шаҳрини қурган.

9. **Ҳакам II ибн Абдурраҳмон (ал-Мустансир биллаҳ)**

350-365 ҳижрий, 961-976 милодий йилларда халифалик қилган.

Испаниядаги иккинчи халифа. Илм-маърифатни ривожлантирган. Унинг даврида Қуртуба маърифат ва маданият марказига айланган. Ўз даврининг энг улкан кутубхонасини ташкил қилган.

Андалус подшоҳларига қарши кураш олиб борган ва уларни сулҳ тузишга мажбур этган.

Андалус шаҳарлари, унинг атрофидаги подшоҳлар ва Мағриб қабилалари унга байъат беришган.

10. **Ҳишом II ибн Ҳакам (ал-Муаййид биллаҳ)**

366-399 ҳижрий, 976-1009 милодий йилларда халифалик қилган.

400-403 ҳижрий, 1010-1013 милодий йилларда ҳам халифалик қилган.

Андалусдаги учинчи халифа.

11. **Муҳаммад II (ал-Маҳдий)**

399 ҳижрий, 1009-1010 милодий йилларда халифалик қилган.

403-408 ҳижрий, 1013-1018 милодий йилларда ҳам халифалик қилган.

Унга икки марта байъат берилган. Биринчи марта Ҳишом II халифаликдан бўшатиладан кейин, иккинчи марта Сулаймон ибн Ҳакам халифаликдан бўшатиладан кейин.

12. **Сулаймон ибн Ҳакам (ал-Мустаъийн биллаҳ)**

399-403 ҳижрий, 1009-1013 милодий йилларда халифалик қилган.

13. **Абдурраҳмон IV (ал-Муртазо)**

408 ҳижрий, 1018 милодий йилда халифалик қилган.

14. **Абдурраҳмон V (ал-Мустазҳир биллаҳ)**

414 ҳижрий, 1023-1024 милодий йилларда халифалик қилган.

Унга халифа сифатида байъат берилган.

15. **Муҳаммад III (ал-Мустакфий биллаҳ)**

414-416 ҳижрий, 1023-1025 милодий йилларда халифалик қилган.

Унинг заифлиги тоифийлар подшоҳликларининг келиб чиқишига ва Андалусда Умавийлар халифалигининг емирилишига олиб келган.

16. Ҳишом III ибн Абдурраҳмон (ал-Муътад биллаҳ)

420-422 ҳижрий, 1029-1031 милодий йилларда халифалик қилган.

Андалусдаги охири Умавий халифа.

Аббосий халифалар

Аббосийлар халифалиги 132-656 ҳижрий, 750-1258 милодий йилларда бўлиб ўтган.

1. **Ас-Саффоҳ Абул Аббос Абдуллоҳ**

Биринчи Аббосий халифа. 132-136 ҳижрий, 750-754 милодий йилларда халифалик қилган.

748 милодий йили акаси Иброҳимнинг вафотидан сўнг Умавийларга қарши қўзғолонга раҳбарлик қилган.

Кўфа масжидида унга халифаликка байъат қилинган.

Зоб жангида Марвон II устидан ғалаба қозонган.

2. **Ал-Мансур Абу Жаъфар Абдуллоҳ**

136-158 ҳижрий, 754-775 милодий йилларда халифалик қилган.

Ас-Саффоҳнинг укаси.

Алавийларни бўйсундирган. Мадинада Муҳаммад Нафс Закиянинг қўзғолонига барҳам берган. Кўфада Муҳаммаднинг акаси Иброҳимнинг қўзғолонига барҳам берган. Эронда Муқаннаъ фитнасини бостирган.

Давлатни идора қилишни, молиявий ишларни, почта алоқаларини тартибга солган.

145 ҳижрий, 762 милодий йили Бағдодга асос солган. Бағдодни халифалик пойтахтига айлантирган. Бағдод университетини қурган.

Ҳажга эҳром боғлаган ҳолатда вафот этган.

150 ҳижрий, 767 милодий йилда имом Абу Ҳанифа вафот этганлар.

3. **Ал-Маҳдий Муҳаммад ибн ал-Мансур**

158-169 ҳижрий, 775-785 милодий йилларда халифалик қилган.

Византияликларга қарши жанглари олиб бориши билан машҳур бўлган.

Умумий йўлларни қурган. Почта ишларини гўзал суратга келтирган. Унинг замонида савдо-сотиқ гуллаб-яшнаган.

168 ҳижрий, 783 милодий йилда византияликлар мусулмонлар билан сулҳ тузишган ва жизя тўлашган.

4. **Ал-Ҳодий Мусо ибн ал-Маҳдий**

169-170 ҳижрий, 785-786 милодий йилларда халифалик қилган.

5. **Ар-Рашид Ҳорун ибн ал-Маҳдий**

170-193 ҳижрий, 786-809 милодий йилларда халифалик қилган.

Аббосий халифалар ичида энг машҳурларидан бири бўлган.

Фарбий вилоятларга ҳоким бўлган замонидаёқ византияликларга қарши жанг олиб борган. Қустантиния дарвозаларигача етиб борган.

Форс вилоятларида тинчлик ўрнатган.

Шимолий Африкага Аглабийларни волий қилган.

Унинг замонида савдо, адабиёт, илм-фан гуллаб-яшнаган.

179 ҳижрий, 795 милодий йилда имом Молик ибн Анас вафот этганлар.

6. **Ал-Амин ибн Ҳорун ар-Рашид**

193-198 ҳижрий, 809-813 милодий йилларда халифалик қилган.

7. **Ал-Маъмун Абдуллоҳ ибн Ҳорун ар-Рашид**

198-218 ҳижрий, 813-833 милодий йилларда халифалик қилган.

Аббосий халифаларнинг йирикларидан бири.

Адабиёт ва илм-фанга қаттиқ эътибор берган. Бағдодда Байтул-ҳикмага асос солган. Унинг замонида таржима, ривоят илмлари ва фикрий-илмий ҳаракатлар гуллаб-яшнаган.

Мўътазилаларга ёрдам берган. Қуръонни махлуқ дейишликда одамларни имтиҳон қилган. Бу имтиҳон «меҳнат» деб аталган.

204 ҳижрий, 820 милодий йили имом Шофийи вафот этганлар.

8. **Ал-Муътасим биллаҳ Муҳаммад ибн Ҳорун ар-Рашид**

218-227 ҳижрий, 833-842 милодий йилларда халифалик қилган.

Турк қўшинларидан ёрдам сўраган. Унинг қўмондони Афшин Озарбайжонда Бобак қўзғолонига барҳам берган.

Византияликларни мағлубиятга учратган.

838 йили Амурия (Кичик Осиёдаги Византия шаҳри)ни фатҳ қилган. Сомаррони қурган.

Мўътазилаларга ёрдам берган. Қуръонни махлуқ деб одамларни имтиҳон қилишда акаси Маъмун бошлаган ишни давом эттирган.

9. **Ал-Восиқ биллаҳ Ҳорун ибн ал-Муътасим**

227-232 ҳижрий, 842-847 милодий йилларда халифалик қилган.

Мутакаллимларнинг ихтилофлари билан шуғулланган.

Мўътазилаларга ёрдам берган. Қуръонни махлуқ дейишликда одамларни имтиҳон қилган.

10. **Ал-Мутаваккил алаллоҳ Жаъфар ибн ал-Муътасим**

232-247 ҳижрий, 847-861 милодий йилларда халифалик қилган.

Аҳли сунна вал-жамоани яхши кўрган ва мўътазилаларга қарши курашган. Одамлардан Қуръонни махлуқ деб имтиҳон қилишни олиб ташлаган.

241 ҳижрий, 855 милодий йили имом Аҳмад ибн Ҳанбал вафот этганлар.

11. **Ал-Мунтасир биллаҳ Муҳаммад ибн ал-Мутаваккил**

- 247-248 ҳижрий, 861-862 милодий йилларда халифалик қилган.
12. **Ал-Мустаъин биллаҳ Аҳмад ибн Муҳаммад ибн ал-Муътасим**
248-252 ҳижрий, 862-866 милодий йилларда халифалик қилган.
13. **Ал-Муътазз биллаҳ Муҳаммад ибн ал-Мутаваккил**
252-255 ҳижрий, 866-869 милодий йилларда халифалик қилган.
14. **Ал-Муҳтадий биллаҳ Муҳаммад ибн ал-Восиқ**
255-256 ҳижрий, 869-870 милодий йилларда халифалик қилган.
15. **Ал-Муътамид алаллоҳ Аҳмад ибн ал-Мутаваккил**
256-279 ҳижрий, 870-892 милодий йилда халифалик қилган.
Унинг акаси Муваффақ ҳоким бўлган.
Судан устидан ғалаба қилган. Византияликларга қарши жанг олиб борган.
Пойтахтни Бағдодга қайтарган. Заҳарланиб вафот қилган.
256 ҳижрий, 870 милодий йилда имом Бухорий вафот этганлар.
260-390 ҳижрий, 874-999 милодий йиллар Мовароуннаҳрда Сомонийлар давлати бўлган.
16. **Ал-Муътазид Аҳмад ибн Муваффақ**
279-289 ҳижрий, 892-902 милодий йилларда халифалик қилган.
17. **Ал-Муқтафий биллаҳ Алий ибн ал-Муътазид**
289-295 ҳижрий, 902-908 милодий йилларда халифалик қилган.
Тулуния ва Қарматийларга қарши жанг олиб борган.
18. **Ал-Муқтадир биллаҳ Жаъфар ибн ал-Муътазид**
295-320 ҳижрий, 908-932 милодий йилларда халифалик қилган.
Амирул-умаро Муниснинг нуфузига барҳам бермоқчи бўлган, оқибатда ўзи ўлдирилган.
Унинг замонида (909 йили) Африкада Фотимийлар юзага келган.
316 ҳижрий, 929 милодий йили Қуртубада Умавийлар халифалиги юзага келган.
Қарматийлар Ироққа ҳужум қилишган. 930 йили Маккани босиб олишган ва Ҳажарул-Асвадни Аҳсога олиб кетишган.
19. **Ал-Қоҳир биллаҳ ибн ал-Муътазид**
320-322 ҳижрий, 932-934 милодий йилларда халифалик қилган.
Ёмон сиёсат олиб борганлиги натижасида халифаликдан бўшатишган.
20. **Ар-Розий биллаҳ Муҳаммад ибн ал-Муқтадир**
322-329 ҳижрий, 934-940 милодий йилларда халифалик қилган.
Унинг вазири амирул-умаро ибн Роиқ мустақил ҳоким бўлиб олган. Натижада Бағдоддаги халифанинг салтанати заифлашган ва Андалусдаги Умавийлар халифалиги кучайган.

21. **Ал-Муттақий лиллаҳ Иброҳим ибн ал-Муқтадир**
329-333 ҳижрий, 940-944 милодий йилларда халифалик қилган.
941 йили Баридийлар ҳужумларидан қочиб, амирул-умаро ибн Роиқ билан бирга Мавсилдаги Ҳамадонийларнинг паноҳига кирган.
Тўзун унинг кўзини ўйиб олган ва қамоқда уни ўлдирган.
22. **Ал-Мустақфий биллаҳ Абдуллоҳ ибн ал-Муқтафий**
333-334 ҳижрий, 944-945 милодий йилларда халифалик қилган.
23. **Ал-Мутиъ лиллаҳ ал-Фазл ибн ал-Муқтадир**
334-363 ҳижрий, 946-974 милодий йилларда халифалик қилган.
24. **Ат-Тоиъ лиллаҳ Абдулкарим ибн ал-Мутиъ**
363-381 ҳижрий, 974-991 милодий йилларда халифалик қилган.
25. **Ал-Қодир биллаҳ**
381-422 ҳижрий, 991-1031 милодий йилларда халифалик қилган.
Олим халифалардан бири. Усул ҳақида китоб ёзган.
26. **Ал-Қоим биамриллаҳ Абдуллоҳ ибн ал-Қодир**
422-467 ҳижрий, 1031-1075 милодий йилларда халифалик қилган.
Унинг даврида турк қўмондони Басосирийнинг фитнаси бўлиб ўтган. Ал-Қоим Тағралбек ёрдамида унинг фитнасига барҳам берган.
27. **Ал-Муқтадий биамриллаҳ Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Қоим**
467-487 ҳижрий, 1075-1094 милодий йилларда халифалик қилган.
Унинг замонида Салжуқлар ҳукмрон эди.
28. **Ал-Мустазҳир биллаҳ Аҳмад ибн ал-Муқтадий**
487-512 ҳижрий, 1094-1118 милодий йилларда халифалик қилган.
Унинг замонида салибчилик юришлари бошланган ва Байтул-Мақдис қулаган.
Адабиётни билган, чиройли, одобли олим бўлган. Ҳаззолий унинг номи билан «Ҳаззолий мўътазила» номли китобини ёзган ва Мустазҳирий номи билан танилган.
29. **Ал-Мустаршид биллаҳ ал-Фазл ибн ал-Мустазҳир**
512-529 ҳижрий, 1118-1135 милодий йилларда халифалик қилган.
Салжуқлар уни мағлуб этган ва у хоинона ўлдирилган.
30. **Ар-Рашид биллаҳ ал-Мансур ибн ал-Мустаршид**
529-530 ҳижрий, 1135-1136 милодий йилларда халифалик қилган.
Салжуқий Масъуд уни халифаликдан туширган ва у хоинона ўлдирилган.

31. **Ал-Муқтафий лиамриллаҳ Муҳаммад ибн ал-Мустазҳир**
530-555 ҳижрий, 1136-1160 милодий йилларда халифалик қилган.
Акаси Рашиддан кейин халифа бўлган. Узоқ вақт салтанатда мустақил бўлиб олган Салжуқлар нуфузига барҳам бергандан кейин халифалик ишларини, давлат ишларини мустақил бажарган.
32. **Ал-Мустанжид биллаҳ Юсуф ибн ал-Муқтафий**
555-566 ҳижрий, 1160-1170 милодий йилларда халифалик қилган.
Ўз халқи билан яхши муомалада бўлган халифалардан бири.
33. **Ал-Мустазиъ ал-Ҳасан ибн ал-Мустанжид**
566-575 ҳижрий, 1170-1180 милодий йилларда халифалик қилган.
Одиллик ва очиққўллик билан машҳур бўлган.
34. **Ан-Носир лидиниллаҳ Аҳмад ибн ал-Мустазиъ**
575-622 ҳижрий, 1180-1225 милодий йилларда халифалик қилган.
Ҳарбий қўмондонларнинг нуфузига барҳам берган. Салжуқлар салтанатига чек қўйган. Эҳтиёткорлиги туфайли машҳур бўлган.
35. **Аз-Зоҳир биамриллаҳ ибн ан-Носир**
622-623 ҳижрий, 1225-1226 милодий йилларда халифалик қилган.
Одиллик билан машҳур бўлган. Молиявий ишларни тартибга солган.
36. **Ал-Мустансир биллаҳ ал-Мансур ибн аз-Зоҳир**
623-640 ҳижрий, 1226-1242 милодий йилларда халифалик қилган.
Адолати ва тақвоси билан танилган.
Бағдодда Мустансирия мадрасасини барпо этган.
37. **Ал-Мустаъсим Абдуллоҳ ибн ал-Мустансир**
640-656 ҳижрий, 1242-1258 милодий йилларда халифалик қилган.
Охирги Аббосийлар халифаси.
Мўғуллар Бағдодни забт этиб, ҳаробага айлантириб, кутубхоналарини ёққандан кейин Ҳулоку уни ўлдирган.

Усмоний халифалар

Усмонийлар халифалиги 1281-1924 милодий йилларда бўлиб ўтган.

1. Усмон I

1281-1324 милодий йилларда халифалик қилган.

Усмонийлар сулоласининг асосчиси.

2. Урхон ибн Усмон

1324-1360 милодий йилларда халифалик қилган.

Ўз салтанатини Кичик Осиёга ёйган. Бурсани фатҳ қилган ва уни давлат пойтахти қилган.

1326 йили Византияни мағлубиятга учратган.

3. Мурад I ибн Урхон

1359-1389 милодий йилларда халифалик қилган.

1365 йили Адернани пойтахт қилиб олган.

Византия императори Юҳанно Vни бўйсундирган. Косово жангида ғалаба қилгандан кейин ўлдирилган.

4. Боязид Елдириш

1389-1402 милодий йилларда халифалик қилган.

Анқара жангида Темурланг уни асир олган.

5. Муҳаммад I ибн Боязид

1403-1421 милодий йилларда халифалик қилган.

Галиполи (Гелиополис)да флот устидан ғалаба қилган.

6. Мурад II

1421-1444, 1446-1451 милодий йилларда халифалик қилган.

1430 йили Салоникини эгаллаган.

7. Муҳаммад II ал-Фотиҳ

1444-1446, 1451-1481 милодий йилларда халифалик қилган.

1453 йили Қўстантинияни фатҳ қилган. Трабзон давлатини тугатган. Иония ороллариини забт этган.

8. Боязид II

1481-1512 милодий йилларда халифалик қилган.

9. Салим I

1512-1520 милодий йилларда халифалик қилган.

1516 йили Мамлуклар давлатини тугатган. Сурия ва Мисрни қўшиб олган.

10. Сулаймон I ал-Қонуний

1520-1566 милодий йилларда халифалик қилган.

Отаси Салим Iдан кейин ҳокимиятни эгаллаган.

Болқон юртларини бирин-кетин фатҳ қилган. 1526 йили Белград ва Родесни эгаллаган ва можар (венгр)ларни мағлубиятга учратган.

Сафавийларга қарши жанг олиб борган. Бағдод ва Табризни эгаллаган.

Давлат унинг даврида қудрат чўққисига чиққан.

Адабиёт, илм-фан, ободончилик гуллаб-яшнаган.

Қонун ва шариат аҳкомларини девон қилиб ёздирган.

11. **Салим II**

1566-1574 милодий йилларда халифалик қилган.

12. **Мурод III ибн Салим**

1574-1595 милодий йилларда халифалик қилган.

1576 йили форслар устидан ғалаба қилган. Грузияни эгаллаган.

13. **Муҳаммад III**

1595-1603 милодий йилларда халифалик қилган.

Австрияга қарши юриш қилган.

14. **Аҳмад I**

1603-1617 милодий йилларда халифалик қилган.

Форсларга ва Австрияга қарши жанг олиб борган.

Аҳмад номи билан машҳур бўлган масжид қурдирган.

15. **Мустафо I**

1617-1618, 1622-1623 милодий йилларда халифалик қилган.

16. **Усмон II**

1618-1622 милодий йилларда халифалик қилган.

17. **Мурод IV**

1623-1640 милодий йилларда халифалик қилган.

1638 йили Бағдодни форслардан қайтариб олган.

18. **Иброҳим**

1640-1648 милодий йилларда халифалик қилган.

19. **Муҳаммад IV**

1648-1687 милодий йилларда халифалик қилган.

20. **Сулаймон II**

1687-1691 милодий йилларда халифалик қилган.

Унинг замонида Истамбулда фитналар юзага келган.

21. **Аҳмад II**

1691-1695 милодий йилларда халифалик қилган.

22. **Мустафо II**

1695-1703 милодий йилларда халифалик қилган.

23. **Аҳмад III**

1703-1730 милодий йилларда халифалик қилган.

Эрон, Австрия, Россияга қарши жанглар олиб борган.

24. **Маҳмуд I**

1730-1754 милодий йилларда халифалик қилган.

Форслар ва русларга қарши жанг олиб борган.

Пойтахтни гўзал суратга келтирган.

25. **Усмон III**

1754-1757 милодий йилларда халифалик қилган.

26. **Мустафо III**

1757-1774 милодий йилларда халифалик қилган.

Руслар билан жанг олиб борган, натижада Молдавия билан

Қрим қўлдан кетган.

27. **Абдулҳамид I**

1774-1789 милодий йилларда халифалик қилган.

28. **Салим III**

1789-1807 милодий йилларда халифалик қилган.

29. **Мустафо IV**

1807-1808 милодий йилларда халифалик қилган.

30. **Маҳмуд II**

1808-1839 милодий йилларда халифалик қилган.

1826 йили Инкишорийларга барҳам берган.

Греция унинг даврида мустақилликка эришган.

31. **Абдулмажид I**

1839-1861 милодий йилларда халифалик қилган.

Тартибот номи билан машҳур бўлган бошқарув, фикрий ва ижтимоий ислохотлар ўтказган.

1839 йили Хатти шарифни, 1856 йили Хатти Хумоюнни чиқарган.

Унинг замонида Қрим уруши бўлиб ўтган.

32. **Абдул-Азиз**

1861-1876 милодий йилларда халифалик қилган.

Унинг даврида Миния, Сербия, Болгария ва Миср давлат таркибидан чиқиб кетган.

33. **Мурод V**

1876 милодий йилда халифалик қилган.

34. **Абдулҳамид II**

1876-1909 милодий йилларда халифалик қилган.

35. **Муҳаммад V**

1909-1918 милодий йилларда халифалик қилган.

«Ёш Туркия» партияси ўз мақсадларини амалга ошириш учун ундан фойдаланган.

Биринчи жаҳон урушида иштирок этган.

36. **Муҳаммад VI**

1918-1922 милодий йилларда халифалик қилган.

37. **Абдулмажид II**

1922-1924 милодий йилларда халифалик қилган.

Охирги Усманий халифа. Жумҳурият эълон қилингандан кейин мамлакатдан чиқариб юборилган.

1944 йили Парижда вафот этган.

Хотима

Мусулмонлар мазкур халифаларни халифа ёки султон деб аташда турли даврларда бир қанча ихтилофларга борганлар. Уларнинг ихтилофлари халифаларнинг вазифалари ва уларни тиклаш вожиблиги хусусида бўлмай, фақат уларни қандай ном билан аташ устида борган. Абу Бакр, Умар, Усмон ва Алийларни (Аллоҳ улардан рози бўлсин) барча давр мусулмонлари билиттифоқ хулафои рошидинлар деб атаганлар. Умавий халифаларни ва Аббосий халифаларни ўша даврда яшаб ўтган мусулмонлар халифалар деб атасалар, кейинги даврдаги мусулмонлар подшоҳлар деб атаганлар. Усманий халифаларни аксар мусулмонлар халифалар десалар, баъзилар турк султонлари деб атаганлар.

Уларнинг барчалари халифа бўлганлар. Уларнинг барчалари исломий давлатнинг раҳбар-ҳокимлари бўлганлар. Ҳокимиятга мусулмонларнинг байъат беришлари орқали келганлар ва исломий давлат фуқароларига исломий аҳкомларни - Қуръон ва суннатни татбиқ этганлар.

